



## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАСАВВУФНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

**Масъудхон Исмоилов**

Доцент, Тарих Фанлари Номзоди

Мақолада Марказий Осиёда тасаввуф тарихи, хусусан, Нақшбандия таълимотининг тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилиши, мустақиллик йилларида мазкур соҳага бағишилаб ёзилган асарлар ҳақида маълумотлар берилган. Тасаввуф тарихи илмий жиҳатдан асослаб берилган кейинги йилларда нашр қилинган асарлар ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** тасаввуф, Нақшбандия, қўлёзмалар, Хожса Муҳаммад Порсо, қалом илми.

Ўзбекистон халқлари маънавий мероси қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, уни бирламчи манбалар асосида ҳар томонлама мукаммал ўрганиш долзарб муаммолар қаторида туради. Зеро, узоқ мозийдан бошлаб мутафаккир олимлар томонидан яратилган ва бизгача етиб келган ёзма мерос хозирги тадқиқотлар учун муҳим илмий маълумотларни ўз ичига олади.

Асрлар давомида халқимизнинг маданий ва маърифий камолотга эришувларида катта аҳамият касб этган тасаввуф тарихини ва унга оид манбаларни ўрганиш борасида олимлар сезиларли ишларни амалга оширидилар. Хожа Аҳрор Валий (1404-1490), Маҳдуми Аъзам (1461-1542), Абдураҳмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501)лар нақшбандия тариқатига оид муҳим асарлар ёзишган.

Мустақиллик йилларида тасаввуф тарихининг ўрганилишига доир тадқиқотларни ўрганар эканмиз аввалги йилларга нисбатан анча катта ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин.

Таниқли тасаввушунос олимлардан Н.Комиловнинг “Тасаввуф”<sup>1</sup>, М.Хайруллаев “Буюк сиймолар, алломалар”<sup>2</sup>, З.Қутибоевнинг “Хожа Аҳрор вали”, И.Султоннинг “Баҳоуддин Нақшбанд абадияти”, О.Усмоннинг “Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти”, Г.Наврӯзова ва Н.Саффоровларнинг “Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқараашлари”, О.Бўриевнинг “Хожа Алоуддин Аттор”<sup>3</sup> ва “Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан”<sup>4</sup>, Ҳомиджон Ҳомидийнинг “Тасаввуф алломалари”<sup>5</sup>, Б.Валихўжаевнинг “Хожа Аҳрор тарихи”<sup>6</sup> ва М.С.Раззоқованинг “Яъқуб Чархийнинг илмий меъроси ва унинг нақшбандия тариқати ривожида тутган ўрни”<sup>7</sup> номли рисола ва монографияларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин, шунингдек, кейинги пайтда тасаввуф соҳасида тадқиқот ишларини олиб борган олимларнинг номларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Жумладан,

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. III китоб. –Т., 1996.

<sup>2</sup> М.Ҳасаний., К.Қиличева. Фижධивоний илм аҳллари хотирасида. –Т., 2003.

<sup>3</sup> Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. –Т., 1994.

<sup>4</sup> Бўриев О. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. –Т., 2009.

<sup>5</sup> Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2009.

<sup>6</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи // -Т.: Ёзувчи, 1994.

<sup>7</sup> Раззоқова М.С. Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожида тутган ўрни. –Т., 2001.



А.Қаюмов, М.Ҳасаний, Э.Каримов, К.Каттаев, М.Жабборов, Р.А.Тиллабоев<sup>8</sup> ва Р.Шодиевларнинг<sup>9</sup> бу соҳадаги ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин.

Р.А.Тиллабоевнинг докторлик илмий даражасини олиш учун ёзган тадқиқотини Марказий Осиёда яшаган нақшбандия тариқатининг шайхлари ва уларнинг ҳаётини ёритиб берадиган манбаларни тарғиб қилишга бағишиланади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбекистонлик олимлар чет эллик олимларнинг тасаввуфга оид бир қанча асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилиб, нашрдан чиқардилар<sup>10</sup>.

Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаётида салмоқли ўрин тутган яссавия тариқатини ўрганиш бўйича ҳам бир қатор илмий ишлар қилинган бўлса-да, бироқ масаланинг манбашунослик асосларига оид тадқиқотлар етарли эмас ва бу соҳадаги манбаларни тадқиқ этиш кун тартибида долзарб илмий муаммолар қаторида турибди.

Яссавия тариқати шайхи Шайх Худойдоднинг араб тилидаги «Баҳр ал-улум» номли ягона нусхада сақланган йирик (минг вараққа яқин) асарини илмий тадқиқ қилиниши мазкур тариқат тарихини ўрганиш билан бир қаторда, Бухоро хонлигининг XVIII асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаёти ҳақида ҳам янги маълумотлар беради. Бу борада 2006 йили номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Шунингдек, Шайх Худойдод ва унинг «Баҳр ал-улум» асари бўйича битта мақола ва битта тавсиф эълон қилинган. Улардан биринчиси Шайх Худойдод ва унинг илмий мероси ҳақидаги мақола бўлса<sup>11</sup>, иккинчиси 2002 йили Германияда нашр этилган каталогга киритилган «Баҳр ал-улум»га қилинган тавсифидир<sup>12</sup>. Шунингдек, немис олимаси Анке фон Кюгельген ҳам XVII асрларда Мовароуннахрда нақшбандия-мужадидия таълимоти тарихига бағишиланган тадқиқотида Шайх Худойдоднинг ҳаётига оид айrim маълумотларни қайд қилган<sup>13</sup>.

Шайх Худойдоднинг яссавия тариқати вакили бўлганлигини назарда тутиб, ушбу тариқат тарихига оид тадқиқотлар ва чоп этилган ишларни ҳам билвосита муаммонинг ўрганилиш тарихига киритиш мумкин. Бу соҳада яссавия тариқатининг тарихи ва назарий жиҳатлари ёритилган Ф.Кўпрулу, Ж.С.Тримингэм, Д.ДиУис, В.Нирша, Ҳ.Неъматов, Э.Каримов, Н.Ҳасанов, Ж.Неъматова, М.Ишмуҳамедова ва Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Иброҳим Усмоновлар эълон қилган тадқиқотлар эътиборга молик<sup>14</sup>.

<sup>8</sup> Тиллабаев Р.А. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как итс. Источники. (жития шейхов нақшбандиев). Автореферат... на д-р ист. Наук. –Т., 1994.

<sup>9</sup> Шодиев Р. Суфизм в народной жизни Ср.Азии. дисс... канд., философ.наук. –Самарканд, 1993.

<sup>10</sup> Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. / тарж. Нодирхон Ҳасанов. –Т.,Истиқол, 1999., Маҳмуд Асад Жўшон.

Ислом., Тасаввуф ва Аҳлоқ. / тарж. Ва сўнг сўз муаллифи Ҳожа Сайфуддин Сайфуллоҳ. – Т., Истиқол, 2000.

<sup>11</sup> Бабаджанов Б. Худайдад // Ислам на территории бывшей Российской империи / Энциклопедический словарь. Вып.№4. – М.: Восточная литература, 2003. – С. 92-93.

<sup>12</sup> Каталог суфийских произведений XVII-XX вв. из собраний института востоковедения им. Абу Райхана ал-Беруни Академии наук Республики Узбекистан / Составители: Б.Бабаджанов, С.Гулямов и др. / Ред.кол.: Б.Бабаджанов, У.Берннт, А.Муминов, Ю.Пауль.– Stuttgart: Franz Steinev Verlag, 2002.– С.32-33.

<sup>13</sup> Кюгельген А. ф. Расцвет Накшбандия-мужадидия в Средней Трансоксании с XVIII до начала XIX вв. опыт детективного расследования // Сборник статей памяти Фритца Майера. / Составитель А.А. Хисматулин. – С.Пб. Фил.фак.С.ПбГУ, 2001.– С. 297-299.

<sup>14</sup> Koprulu Fuad. Turk edebiyatında ilk mutasavviflar. – Ankara,1991; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставской, под ред. и предисл. О.Ф.Акимушкина. – М.: Наука, 1989.; ДиУис Д. Ахмад Йасави // Ислам на территории бывшей Российской империи / Энциклопедический словарь. Вып.№4. – М.: Восточная литература, 2003. – С.8-12; ДиУис Д. Йасавий // Ислам на территории бывшей Российской империи / Энциклопедический словарь. Вып.№4. – М.: Восточная литература, 2003. – С.35-38; De Weese D. The Elipe of the Kubraviyah in Central Asia // Iranica Studies. – 1988. vol. XXI. – №1-2. – p.45-84; Нирша В. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Умара Шихабуддина Сухраварди: Дисс.... канд. филос. наук. – Т.: Институт философии и права АН РУз, 1990; Неъматов Ҳ. Ахмад Яссавий ҳаётига оид баъзи



Тасаввуфий ёзма манбаларнинг таҳлилига оид ишларнинг бальзиларида ҳам муаммога қисман даҳлдор маълумотлар учрайди. Бу жараёнда Н.Комилов, М.Баратов, О.Усмон, Б.Бобожонов, С.Сайфуллоҳ ва А.Сайдов каби олимларнинг ишларини кейинги йилларда қилинган тадқиқотларга мисол тариқасида келтириш мумкин<sup>15</sup>.

Булардан ташқари тасаввуф алломалари қаламига мансуб асарларнинг ўзбек тилига таржималари ҳам амалга оширилди, маҳсус асарлар ёзилди. Бунда сермаҳсул ижодкорлар сифатида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Сайфуддин Сайфуллоҳ, Мирза Кенжабек, Комилхон Каттаев каби олимларни айтиб ўтиш мумкин.<sup>16</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти “Исломшунослик ва ижтимоий фикр” бўлими илмий ходимлари ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томнидан ҳам режа асосида қатор илмий ишлар эълон қилинда ҳамда мутасаввифларимиз асарларининг аслий арабча матни илмий академик услубда таржима, изоҳлари билан катта тиражларда нашр қилинди.<sup>17</sup>

Юкорида зикр қилинган тадқиқотлар тасаввуфнинг умумий тарихи ва назарий масалаларига бағишлиланган. Марказий Осиё минтақаси учун асосий тариқат бўлмиш нақшбандия тариқати ва унинг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаётини ўрганиш борасида ҳам охирги йилларда қатор илмий ишлар эълон қилинган. Нақшбандия тариқати таълимоти ва тарихини ёритувчи манбалар таржима қилинди, қатор китоблар ҳам нашр

---

саналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – №2; Каримов Э.Э. Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV в.в.: Дис. ... док. ист. наук. – Т.: Институт истории АН РУз, 1996; Ҳасанов Н.Д. Яссавий ва Ҳазиний: Дисс. ... филол. фан. номзод. – Т.: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, 1999.; Неъматова Ж. Яссавийлик ва унинг ижтимоий-фалсафий фикр ривожидаги ўрни: Дисс. ... фал. фан. номзод. – Т.: ЎзР ФА Фалсафа ва хуқуқ институти, 2001; Ишмуҳамедова М. Девони хикмат кўлёзмалари: Дисс. ... филол. фан. номзод. – Т.: ЎзР ФА Қўлёзмалар институти, 2001.; Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: “Адолат”, 2001. – 225 б. И.Усмонов ва б. Тасаввуфга кириш. Т: «Yosh-kuch», 2019.

<sup>15</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ёзувчи, 1996; Усмон О. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Т.: Университет, 1993; Баратов М., Усмон О. Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995; Бабаджанов Б. Политическая деятельность шайхов Накшбандия в Мавараннахре (I пол. XVI в.): Дис. ... канд. ист. наук. – Т.: ИВ АН РУз, 1996; Шу муаллиф. Йасавийя и Накшбандийя в Мевераннахре: из истории взаимоотношений (сер.XV-XVIв.) // Учение Йасави: Туркестан, 1996. – С.75-96; Сайфуллоҳ С. Фатво ва тақво китоби. – Т.:Мовароуннахр, 2005. Сайдов Акмал. Атторшунослик. Буюк мутасаввиф, шайх ва шоир Фаридуддин Атторнинг маънавий ва маърифий хазиналари. – Тошкент: “SHARQ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош мухарририяти, 2013. – Б.42.

<sup>16</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т: “Шарқ”, 2011. – Б..325. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Хислатли хикматлар шарҳи. – Т: “Hilol-nashr”, 2014. – 5 жилд.; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия: вазифалар, зикрлар. – Т: “Hilol-nashr”, 2021. – 160 б; С.Сайфуллоҳ, Улуг авлиё. Т; 2017; Машраб Б. Куллиёт. Muharrir, 2017 (нашрға тайёрловчи М. Кенжабек) Т;, 2017. – 528 б.; Каттаев К. Тасаввуф алломалари. Т, 2017. – 320 б.

<sup>17</sup> Ҳаким Термизий. Кайфияти сулук. Тошкент: Наврӯз, 2018. Ҳаким Термизий. «ал-Масоил ал-Макнуна» (Яширин масалалар). Самарқанд: 2019. Ҳаким Термизий. «ал-Манхийёт» (Қайтарилган амаллар). Самарқанд: 2019. Исмоилов М. Нақшбандия таълимотини ўрганишща Ҳожа Муҳаммад Порсо илмий меросининг аҳамияти. // “Ислом тафаккури” журнали. - № 1. – Тошкент, 2021. – Б. 18 -21. Исмоилов М. Эгамов А. Қадр сурасининг тасаввуфий тафсирлари // “Хидоят” журнали. - № 3. – Тошкент, 2021. – Б. 4-6. Исмоилов М. “Значение научного наследия Ҳоджи Муҳаммад Порсо в развитии учения Накшбандия” мазуида халқаро журналда мақола нашр қилинди. (International Scientific Journal, Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA, 2021.) Issue: 06 Volume: 98. – Р. 369-372. Сўфи Аллоҳёр. Саботул ожизин шарҳи. . – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 520 б. (шарҳ М. Исмоиловники). Йўлдошхўжа Хилватий. Мавлуди шариф. – Т.: Академнашр, 2021. – 280 б. (нашрға тайёрловчи М. Исмоилов).



этиди. Масалан, “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд” асарининг қайта нашри шулар жумласидандир<sup>18</sup>.

Бундан ташқари Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси даражасига қўтарилилган, ҳаётда ёнмаён яшаган мутасаввиф олимлар ҳам борки, уларнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳам тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва таълимоти биринчи галда унинг халифалари бўлмиш Алоуддин Аттор (ваф. 1400), Мухаммад Порсо (1348-1420) ва Яъқуб Чархий (ваф. 1447)нинг асарларида ўз ифодасини топган.

Юқорида таъкидланганидек, Алоуддин Аттор ҳаёти ҳақида устоз Омонуллоҳ Бўриев бир рисола эълон қилганлар. Яъқуб Чархийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир монография эса М.Раззоқова томонидан чоп эттирилган. Нафақат нақшбандия тариқати, балки тасаввуф таълимотининг назариётчиларидан бири, Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Мухаммад Порсонинг қаламига мансуб асарларни ўрганиш ҳам кейинги йилларда анча жонланиб қолди. Ушбу мутасаввиғнинг ҳаёти ва илмий фаолияти борасида ушбу мақола муаллифи докторлик диссертацияси сифати тадқиқотлар олиб бормоқда. Порсонинг ваҳдатул вужуд таълимотига муносабати борасида эса Ж. Холмўминов томонидан докторлик диссертацияси ёқланди<sup>19</sup>.

Ёш тасаввуфшунос Комилжон Раҳимовнинг хожагон-нақшбандия тариқати асосчилари – Абдулхолиқ Фиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган илк етти раҳбари ҳаёти ва фаолияти ҳақида муфассал ҳикоя қилувчи “Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир” ва “Моваруннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар)” номли йирик монографиялари нашр этилди. Муаллиф хожагон-нақшбандия тариқатининг вужудга келиши ва ёйилиш тарихи, айни тариқат таълимоти асосларининг илмий асосланган аниқ манзарасини чизиб беради.

К. Раҳимов тадқиқотида Марказий Осиё тасаввуфининг хожагон- нақшбандия тариқати вужудга келгунга қадар бўлган давр тўғрисида ҳам муҳим маълумотларни келтиради. Муаллифнинг фикрича хожагон-нақшбандия тариқати қуруқ ерда пайдо бўлган ёки шу пайтгача тасаввур қилинганидек, тўлалигича бошқа ўлкалардан юртимизга олиб келинган таълимот эмас, балки Марказий Осиёда унинг вужудга келиши учун муайян омиллар ва шарт-шароитлар мавжуд бўлган.

Китобда Марказий Осиё тасаввуфининг сўфийлик тариқатларигача бўлган даври муҳим хусусиятлари, асосий ғоялари, йирик намояндалари ва Калободий Бухорий битган “Ат-Таъарруф”, Мустамлий Бухорий қаламига мансуб “Шарҳ ат - Таъарруф” асарларининг сўфийлик орасидаги ўрни, “Шарҳ ат - Таъарруф” асарининг тасаввуфга оид муҳим асар сифатидаги аҳамияти ҳамда унинг ўзидан кейинги тасаввуф манбаларига таъсири батафсил тадқиқ этилган.

Хожагон-нақшбандия таълимоти ўзининг салкам 900 йиллик тарихи давомида ислом олами ва умуман, инсониятга улкан бир маънавий меросни тақдим этган. Мутасаввиғ алломаларимизнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағищланган илмий-адабий асарлари бизга ислом тафаккури тарихи ҳақида қимматли маълумотлар беради. Натижада эса бой тарихимизнинг бир қисмини ўрганишда янги маълумотларга эга бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улуғ аждодларимиз, хусусан Хожагон Нақшбандия тариқати таълимоти, тариқат намояндалари ҳаётини ўрганиш ва етказиш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

<sup>18</sup> “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд” (Нашрға тайёрловчи М.Ҳасаний). - Т: “Ozbekiston”, 2019.

<sup>19</sup> “Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва унинг Нақшбандия таълимотига таъсири (Ибн ал-Арабий, Мухаммад Порсо ва Абдураҳмон Жомий қарашлари асосида)”, Фалсафа фанлари докт. дисс.. 2021.